

Баҳоси 60 т.

К239
Ак от
2964

На узбекском языке

АКАДЕМИЯ НАУК СССР – УЗБЕКИСТАНСКИЙ ФИЛИАЛ
ИНСТИТУТ ЗВЫКА, ЛИТЕРАТУРЫ И ИСТОРИИ

Библиотека бойца

Г. КАРИМОВ

ФАРХАД

ИЗДАТЕЛЬСТВО УЗФАН – ТАШКЕНТ – 1942

10 / 14

СССР ФАКЛАР АКАДЕМИЯСИ – ЎЗБЕКИСТОН ФИЛИАЛИ
ТИЛ, АДАВИЁТ ВА ТАРИХ ИСТИТУТИ

ЖАНГЧИЛАР КУТУБХОНАСИ

ҒУЛОМ КАРИМОВ

ФАРҲОД

(НАВОЙИНИНГ „ФАРҲОД ВА ШИРИН“ ДОСТОНИ АСОСИДА)

ЎзФАН НАШРИЁТИ – ТОШКЕНТ – 1942

Мас'ул мұхаррир Ойбек

Р. 9463. Босишга ижозат берилди 1/Х — 1942. Тиражи 3000. Автор
листи 1,06. Босма листти 0,75. Бир босма листда 59550 ҳарф.
Бағоси 60 т.

Заказ № 187. Тошкент, ЎзФАН Нашриёти босмахонаси—1942.

АК от
2964

СЎЗБОШИ

Жангчиларимизга тақдим қилган бу китобчамида ўзбек халқининг буюк олими ва шоири Алишер Навоий томонидан бундан беш юз йил илгари яратилган „Фарҳод ва Ширин“ достони асосга олинди. Достоннинг қаҳрамони Фарҳоддир. Навоий яратган Фарҳод образининг аслини худди ўзича сақлаб қолиш ва ўқучиларимизга уни тўғри таништириш учун, бу китобчани тузишда достон воқиалари изидан бордик. Лекин буюк Навоийнинг энг кучли ва мазмунан энг бой достони ҳисоблаяган „Фарҳод ва Ширин“ ни бутун чуқурлиги ва кенглиги блан беришга интилмадик, асарчамизнинг ҳажми ҳам бунга йўл қўймайди. Шунинг учун достонни қисқартиришга тўғри келди. Қисқартирганда, кўпроқ асосий қаҳрамон Фарҳод характерини очишга хизмат қиласиган воқиаларни олиб, унга алоқаси бўлмаган ёки кам алоқадор бўлган моментлар туширилди. Натижада ёлғиз Фарҳод образини гавдалантиручи асосий воқиалар тизмасигина қолди.

Буюк Навоий ўз достонида тасвир қилганидек ва бизнинг бу китобчамида бўлган воқиалар кўрсатганидек Фарҳод героик образлардандир. У фактат жасур бир қаҳрамон, марди майдонгина эмас, шу блан бирга олижаноб одамгарчилик хислатларини ўзида ёрқин гавдалантирган мукаммал киши тимсолидир. Фарҳод Навоий тасвирида,

кенг ва олижаноб юрак әгаси. У, дўстни чуқур муҳаббат блан севади, душманга чексиз нафрат сақлайди. У, илм ва ҳунарнинг аҳамиятини, ролини яхши тушунади. Шу блан бирга мардлик, пахлавонлик, ҳарб ишларига моҳир бўлишлик зарурлигини ҳам англайди. Фарҳод турмушда донишманд ва ҳунарманд; уруш майдонларида жасур ва қаҳрамондир. У ёмонларга нисбатан бераҳм, қаҳрли; яхшиларга нисбатан кўнгилчан ва мурувватли. Севги, садоқат, самимийлик, камтаринлик Фарҳод табиатининг асосий хусусиятидир. Фарҳоддаги бутун ва тўлиқ бу характер фақат XV аср, Навоий яшаган давр кишиси учун зарур бўлган ҳислатлар эмас, бу ҳислатлар ҳамма давр кишилари, ҳамма яхши одамлар учун керак бўлган идеал ҳислатлардир. Ҳақиқатан ҳам дўстга садоқат, душманга нафрат ва ғазаб, она ватанга муҳаббат, мақсад йўлида жасурлик блан курашиш, майдонда мардларча галаба қозониш, қаҳрамонларча душманга ҳужум қилиш идеал ҳислатлардандир. Бу ҳислатлар жамиятнинг энг асл кишиларига, халқнинг эр ўғилларига хосдир. Мана шундай XV аср жамиятнинг асл кишиларидан ва ўзбек халқнинг эр ўғилларидан бири—Навоий яратган Фарҳоддир. Масаланинг муҳим нуқтаси шундаки, ўзи яшаган жамиятдаги ёвузликларни йўқотучи, зулм, ваҳшатни тугатучи, халқ бошига тушган баҳтсизликларга хотима бериб, ба-ло-офатлардан уларни халос қилучи ва улар ҳаётида баҳт-саодат ўрнатиш учун жонбозлик кўрсатучи яна шу олижаноб Фарҳод бўлиб чиқади. Фарҳод Юнон тоғларида хазиналарни босиб ётган, одамлар учун оғат бўлган аждарни ўлдиради. Жаҳонга ғавғо солган, ўлкаларни оёқ ости қилган даҳшатли махлук Аҳраман дев блан олишади ва уни ҳалок қилиб, юртни, элни ундан қутқаради.

Фарҳоднинг бутун ҳаракати, бутун интилиши яхшилик, адолатнинг тантана қозонишига ва ёмонлик, ёвузлик, қора кучларнинг йўқолишига қаратилгандир. Фарҳоднинг турмуш йўли шу. Бу ҳақиқий йўл, олижаноб интилиш Фарҳод номини абадийлаштириди, уни ўлмас бир қаҳрамон сифатида халқларнинг севгисига сазовор қилди.

Минг йил умр кўрган афсонавий ҳаким Сукрот тили блан Навоий унинг бу йўлини олқишлиб: „Битмас ва туганмас бир ўлкада қаҳрамон бўласан... жаҳон ичидага сенинг яхши отинг ва сифатларинг қолади...“ деган эди. Чиндан ҳам ватани, халқи, ўз халқининг орномуси, баҳт-саодати учун курашган ҳарқандай одам, шу курашни ўзига йўл қилиб олган ҳарқандай мард йигит халқ хотирида абадий яшайди. Қаҳрамон унунтимайди... Жаҳон ичидага унинг яхши оти ва сифати абадий қолади...

Ғулом Каримов.

ФАРҲОД

Чин мамлакатида бир хоқон ўтган эди. Унинг ёши олтмишга кирган бўлса-да, фарзанди йўқ эди. Хоқон ўзининг бу ҳолига кўп қайғуар ва кеча-кундуз фарзанд орзуси блан ёнар эди.

Кунлардан бир кун хоқонинг хотини бир ўғил туғди. Хоқон жуда хурсанд булиб, амир-амалдорларига ва фуқаросига катта тўй берди. Болага „Фарҳод“ от қўйдилар, диққат блан тарбия қилдилар. Ў, етти ёнга етганда замонасиинг катта олимларидан сабак олишга кириши. Фарҳод кўп илмларни ўрганди. Ўтири зеҳни ва зийрак ақли блан тез фурсатда билимдонлар қаторига кирди. Хоқон Фарҳодни ҳарбий билимлардан ҳам хабардор қилишни истади. Фарҳод ҳам марди майдон бўлишини севганидан, от қўйишини, қиличбозликни, ўқ узишини тез ва пишиқ ўрганиб, уруш ишига моҳир булиб етишиди. Лекин Фарҳод улғайган, етилган сари юриш-туриши ўзгариб, сарой ўйин-кулгиларини ёқтиромайдиган бўлаберди. Унинг ранги борган сари сомондек сарғаябошлади, кўзларида доимо бир турли ма'юслик сезилар эди. Ўғидаги бу паришон ҳолни пайқаган хоқон, унинг кўнглини юпонтириш чораларини излайди: катта зиёфатлар, ажойиб музыка мажлислари, қизиқ ўйинлар уюштириди. Лекин булар фойда бермади. Охирда хоқон вазирлар ва билимдонларни чақириб кенгаш тузди. Кенгаш, Фарҳод кўнглидаги чигилликни ёзиш, беҳуда ҳаёллардан қутқариб, баҳри дилини очиш учун тўрт сарой бино қилиш керак, йилнинг тўрт фаслини жонли кўрсатадиган саройлар дун'ёда мислсиз гўзал бўлади, унда Фарҳод ўзининг тенг-қурла-

ри блан ўйин-кулги ва айши-ишратда умр ўтказса, ҳарқандай дардан омон топади, деган қарорга келади.

Шундай қилиб кенгашнинг кўрсатиши бўйича сарой қурилабошланди. Бу ишни хоқоннинг вазири Мулкоро идора қилди. Ишга киришдилар. Иморат Чиннинг энг машхур бинокор усталаридан наққош Моний, тоштарош Корунлар қўл остида солина бошлади.

Фарҳод бу саройларнинг та’рифини эшишиб, тамошага борди. Тоштарош Коруннинг ҳунари Фарҳоднинг диққатини ўзига тортди: у, қаттиқ тошларни ажойиб тешаси блан истаган шаклга солар, унга турли гуллар, нақшлар ўяр эди. Коруннинг қўлида тош мўмдек мулоҳим, истаган қолипига тушар эди. Фарҳод Корунга шогирд тушибди ва бу ҳунар сирларига ошно бўлди. Фарҳод пўлатга маҳсус усул блан сув югуртиб, тоблаб, теша ясашни ўрганди, ўзи ҳам тоштарошлар қаторида бирнече вақт ишлади. Монийдан наққошликини ўрганди. Шундай қилиб Фарҳод иморатлар битгуича ҳам наққош, ҳам тоштарош бўлиб, шу ерда терлаб-пишиб, меҳнат қилди.

Ниҳоят, ранг-бараңг жонли суратлар ва нақшлар блан безалган бу тўрт ажойиб сарой битди. Хоқон юртга қирқ кун тўй бериб, ўйин-кулги бошлашга буюрди. Лекин хоқоннинг бу тадбирлари Фарҳоднинг юрак дардига эм бўлалмади. Фарҳод яна паришон, яна синик кўнгил, яна ма’юс юраберди, зийнатли саройлар, гўзал қизлар, базмлар, олтин қадаҳлардаги соф майлар Фарҳоднинг юрагига чинакам рух, завқ бермас эди. Энг сўнг хоқон „Фарҳоднинг кўнгли юрт иши блан овинармекан, сипоҳлик бошига тушса, ақли-ҳушини йиғиб, ўзига келармекан?“ деган ҳаёл блан тож-тажти унга топширмоқчи бўлди. Бу тўғрида вазирлари блан маслаҳатлашиб, гапни бир ерга тиндиргач, ўғлини чақириб, ниятини англатди. Фарҳод, хоқон сўзини ва кенгаш қарорини эшишиб шундай дейди:

— Эй подшоҳи олам, ажал тифи қарилик ва ёшликка қарамас. Чаманда ҳар ранг ўсимлик унар, бот тугалур; лекин сарв юз йил умр кўрур, сўзлаганларингизнинг барчаси ма’кул. Броқ мен бу чоққача ўйин-кулги блан

овора бўлиб, мамлакатни идора этишнинг йўл-йўриқларига кўз соганим йўқ. Бирнече вақт муҳлат берсангиз, доим хизматингизда бўлиб, бу ишларни ўргансам. Сўнгра нимани буюрсангиз, жони-дил блан қиласай.

Хоқон Фарҳоднинг бу ўринли илтимосидан хурсанд бўлиб, бир йил муҳлат беради.

Кунлардан бир кун хоқон Фарҳодни ўз хазинаси блан таништириди. Хазинадаги бир сандиқ Фарҳоднинг диққатини ўзига тортиди. У Искандар Рўмий тилсими—ҳикмати эди. Фарҳод бу сандиқнинг сифатларини хоқондан сўради. Хоқон оз-моз сўзлаб, гапни дудмол қилди ва бошқа ёқка чалғитди. Фарҳод хоқоннинг гапларига қаноат қилмай, сандиқни ўзи очиб кўрмоқчи ва унинг ичидаги сирлар блан танишмоқчи бўлиб, калит сўради. Фарҳоддаги бу ҳавасни сўндириш учун турли баҳоналар қилиб кўрдилар. Ҳечбири та’сир қилмади. Охири, поилож, калитни келтириб бердилар. Фарҳод сандиқни очди, сандиқ ичидан бир ойна чиқди. Ойна кўринмас, унинг устига эса шу сўзлар ёзилган эди: „Ҳарким бу ойнани тамошо қилишини истаса, Юноистонга борсин, Суҳайло блан учрашсин“.

Бу сирли ёзувдан Фарҳоднинг яна ҳайрати ва таажжуви ортди. Уни Юноистонга бориш орзуси қоплаб олди. Фарҳоднинг бу ҳаракатига, дастлаб, отаси турли йўллар блан қаршилик қилса ҳам, бўлмади, охири ўзи бирга боришга қарор берди.

Ҳукамолар ва донишманларнинг маслаҳатига кўра, Юноистонга бориб, файласуф Суҳайло блан учрашдилар ва ундан Искандар тилсими тўғрисида малумот олдилар. Суҳайло хоқоннинг ва унинг вазири Мулкоронинг кўп умр кўриши тўғрисида сўзлаб, Фарҳоднинг истиқболидан, бошига тушадиган воқиалардан хабар берди. Шундан сўнг Фарҳод ва хоқон лашкарлари блан бирга йўлга тушадилар ва кўп дашт-чўлларни ўтиб, Юнон тоғларига бориб етадилар. Фарҳод хоқон блан лашкарни тоғ этагида қолдириб, ўзи ёлғиз Суқрот ҳаким ғорини ахтариб чиқиб кетди. Кўп юрди, сойларни-адрларни ошиб бир кенгликка чиқди. Бу жой ҳамма ёқни қурум босгандай тум қоронғи,

гиёҳсиз, дарахтсиз, қақраган, ҳавоси ёқимсиз бир дашт эди. Бу дашт Сүкрат йўлидаги тўсиқлардан бўлган аждар қароргоҳи эди. Фарҳод олдинга қараб юраберди. Одам исини сезган аждар ўз масканидан чиқди ва Фарҳодга ҳамла қилди. Аждарнинг тишидан қон сачрар, оғзидан олов гуркирар эди. У худди булатлар орасидан кўринган баланд тоғдай катта эди. Жон олучи аждар тўғри Фарҳод томонга келаберди-да, ўз овқатини иситиб олмоқчи бўлгандай, оғзидан Фарҳодга олов сочабошлади. Фарҳод аждар сирини билар — Суҳайло файласуф унинг давосини кўрсатган эди. Шунинг учун Фарҳод қўрқмай, аждар томонга дадил одим отди. Аждар ғазабга келиб оғзини яна каттароқ очди ва олов ёлқинларини сочди. Фарҳод фурсатни қўлдан бермай, дарҳол ўқ-ёйини олиб, ғордек очилган аждар оғзини мўлжаллаб ўқ узди. Бу ўқ зарбидан тоғ гавдали аждар дар'ё каби тўлғонди. Унинг ҳарбир тўлғониши яна бир ўқ нишони бўлиб турди. Шундай қилиб Фарҳодни кабоб қилиш учун ёғдирган ўтида аждарнинг ўзи кабоб бўлди. Фарҳод аждар сифатли отини ўйнатиб бориб, аждарга чақмоқдек ташланди. Фарҳоднинг олмос қилич блан қилган ҳамласидан аждарнинг иши тамом бўлди. Шундан сўнг Фарҳод аждар юракли отини аждар ғорига қараб сурди. Ботирлик блан ғор ичиға киргач, ёзуви сийқаланган бир тош тахтага кўзи тушди:

— Эй, дун'ёга тўполон солган қудратли йигит! Сен аждарни ўлдирдинг, энди унинг ғорида кўп яширин нарсалар топасан. Сен аждарнинг умр ипини уздинг. Мана бу хазиналар энди сенинг билагинга хизмат хақидир. Бу ғор осмондай юмалоқдир, унинг марказий нуқтасини топиб олсанг, у ерда бир қора тош кўмилган бўлади. Қиличинг уни блан унинг атрофини ўйиб ағдар ва сўнг олам ҳикматини тамошо қил!

Фарҳод ёзувда кўрсатилган ишларни бирин-бирин ўрнига келтириб, чексиз улуғ хазинага йўлиқди. Хумларда ғлтин-кумуш ва турли жавоҳирлар қайнаб тошар эди. Фарҳод бир ерда ёзувли тахта ва бир қилич блан қалқон-

та дуч келди. Ёзувда шундай дейилган әди: — Ҳаркимнинг бахти ёр бўлиб, бу қалқон, бу қилич унинг қўлига тушса, бирини белига тақиб, бирини бўйнига осса, агар юзта дев блан олишса ҳам, уларнинг ҳаммасини гардгард қилиб юборади: қалқон қал’адек ҳимоя қилади, қилич чақмоқдек кесади!

Фарҳод аждарнинг ишини тамомлаб, ғордаги хазинани очгандан кейин, қайтиб ўз лашкари турган ерга келди. Фарҳоднинг бу қоронғи тумандан омон чиққанини кўриб хоқон ва бутун лашкар беҳад хурсанд бўлди. Хазинани Фарҳод аскарларга тақсим қилиб берди. Бу ўлка аждар балосидан халос бўлди. Одамлар унинг таҳликасидан қутилиб, тинчлик хазинасига эга бўлдилар.

Фарҳод юришини давом эттириди, хоқон ва лашкар унинг кетидан әргашдилар. Кўп юриб бир катта ўрмонга дуч келдилар. Бу ўрмон Аҳраман номли девнинг макони әди. Фарҳод бу қоронғи ўрмонни кесиб, тик бораберди. Бирқанча вақт ўтгандан сўнг, бир майдон кўринди. Фарҳод отини ўша томонга сурмоқчи бўлиб турганда, бирданига унинг олдида зўр бир қаср—сарой пайдо бўлди. Бу дев-парилар қасри әди. Одам оёғининг товушини эшитган Аҳраман дев ҳайрон бўлиб, бош кўтарди ва Фарҳоднинг шахтидан истеҳзо блан қаҳқаҳа уриб кулди. Унинг кулиши момоқалдироқ сингари гуриллар әди. Бу тоғ гавдали дев ўзининг чинордек гурзисини кўтариб, Фарҳод томонга қараб юриш қилди ва унга хитоб қилиб шундай деди:

— Эй, ғафлатни ўзига касб қилган одамзод! Манглайингга қора кунлар ёзилган экан. Бу сен юрган ўрмондан, арслон ўтса панжасини, шер ўтса чангалини тугиб ўтади. Фаришта ўтса тириклик чироғи ўчади, лочин учса қаноти куяди, сен нима қилиб юрибсан. Ҳаёлингда қандай бўлмағур фикрлар ғалаён қилди?

Аҳраман чинордек гурзисини Фарҳодга ҳавола қилди. Фарҳод чаққонлик блан бошига қалқонни тутди ва қўлидаги қилич блан гурзи дастасини чопиб ташлади. Буни кўриб девнинг ғазаби алангаланди. Югуриб қасрига кирди ва ҳалигидан каттароқ, бошқа бир гурзини кўтариб чиқди.

Бу иккинчи ҳужумни ҳам Фарҳод ҳалигидек чаққонлик блан қайтарди: гурзи дастасини қилич блан чопиб ташлади. Шундай бирнеча ҳамлалар бекорга кетгач, девнинг ғазаби яна жўш урди. Бир одам боласининг шунчалик қаршилик кўрсатишига чидай олмай, на’ра тортиб, тоққа чиқиб кетди. Тоғ булатлари каби югуриб юриб, катта тошларни тўплади ва Фарҳодга қараб баҳор ёмғури сингари ёғди-рабошлади. Шунда аждар ғоридан олган қалқон Фарҳодга иш берди. Уни тутуб, беозор тураберди. Дев эса бирнеча вактгача Фарҳод блан олишиб, тошларни унинг устига дўлдай ёғдирабериб, охирда чарчади. Жисмидан куч кетди: Аҳраман бирданига тоғ чўққисидан думалаб кетди. Шу чоқда Фарҳод девдай қора отини ўйнатиб бориб, ёнидаги олмос қилични суғурди ва чақмоқдек тезлик блан девга қилич солди, девнинг бошини чўрт узиб танидан жудо қилди ва отини эшикка боғлаб, девнинг қасрига кирди. Бу қаср худди жаҳон ичидаги иккинчи жаҳон, чаман ичидаги иккиичи чамандек эди. Ҳартомонда ажойиб эшиклар қурилган, ҳар эшикка катта қулфлар урилган. Ҳарқайси эшик устига уй ичидаги хазина ёзиб қўйилган эди. Шаҳзода тез-тез юриб, бу хатларни кўздан кечириб, бир эшик олдида ранги ўчган ҳолда тўхтаб қолди. Бу эшик олтиндан ясалган бўлиб, унга шу сўзлар ёзилган эди:

— Бу ўйнинг қулфи осонлик блан очилмайди. Яхшиси, буни очишдан сақланиш керак.

Фарҳод эшикни синдириб, тезлик блан уй ичига кирди. Ҳартомонига кўз ташлаб чиқди. Юқорида бир қандил осиғлиқ турар эди. Бу қандил Мирриҳ юлдузидек пориллаб ёнар эди. Фарҳод қандилни олиб кўрди ва унда Сулаймон узуги яширинганини билди. Бу узукни эгаллаган киши Искандар Румий тилсимини очади, деб шу узукка ёзилған эди. Шаҳзода узукни ўпид, кўзига сургандан сўнг тезликда қасрдан чиқди ва ўз қароргоҳига қараб юрди. Хоқон ва лашкар терак барги каби, Аҳраман дев даҳшатидан титраб турар эдилар. Улар, Фарҳоддаги қувончни кўрганларидаи сўнг, ўзлари ҳам қувондилар.

Фарҳод ҳаммага бош бўлиб ўрмонни ўтди, дев қасрига кириб, хазинани отаси ва лашкарга топширди.

Фарҳод яна иш либосини кийди. Отасидан жавоб олиб йўлга отланди. У чарчамас отини олга суриб борар экан, олдида бир катта қал’а пайдо бўлди. Фарҳоднинг бу қал’ага кўзи тушиши бланоқ, атрофни даҳшатли овозлар қоплаб, қал’а эшиги очилди ва эшик олдида буюк гавдали, темир совут кийган бир одам Фарҳодга қараб ўқ-ёйини кериб турар эди. Худди шундай ўқ-ёй кериб турган совутлилардан яна уч юзтаси қал’а деворларида Фарҳод йўлини тўсдилар. Фарҳод бу қўрқинчли, баҳайбат совутлилар олдида эсанкираб қолмади. Шошмай камонини олди-да, ўқлади ва мўлжаллаб туриб, дарвоза олдида йўл тўсучи совутлига қараб ўқ узди. Отган ўқи совутлиниң кўкрагидаги ойнага тўғри бориб тегди ва совутлар ушалиб, ҳайкал йиқилди. Совутли дарбозабонининг йиқилишини блан қал’а деворида турган уч юзта совутли ҳам чил-парчин бўлиб йиқилди. Йўл очилгач Фарҳод от ўйнатиб қал’а ичига кириб борди. Қал’а Искандар Румий ясаган тилсим эди. Бу ерга Искандар етти иқлим бойлитини тўплаб, ажойиб-ғаройиб нарсаларни яширган эди. Фарҳод қал’ага кириши блан унинг ўртасида турган бир иморатга кўзи тушди. Бу иморат та’рифдан юқори эди. У атрофга нур сочиб турар, киши кўзини қамаштиргундек ялтирас эди. Фарҳод бу иморат эшигини очиб ичкарига қадам қўйди. Унинг тоқисида бир порлок жом кўринди. Бу „Жамшид жоми“ эди. Яна бу ерда осмондаги қуёшдек пориллаб турган бир ойна бор эди. Бу ойна дун’ё ҳодисаларини ўзида кўрсатучи „ойнаи жаҳон“ эди. Фарҳод „Жоми Жамшид“ блан „Ойнаи жаҳон“ни топгач, мушкили осон бўлганини англаб, хурсанд бўлди ва уларни ўз ерига қўйиб, отасининг олдига қайтди. Лашкарга йўлбошлиқ қилиб қал’а олдига олиб келди ва лашкарни шу ерда қўйиб, отаси блан вазирни бирга олиб, учовлон қал’ага кирдилар. Фарҳод қал’адаги кўмилган ва очик хазиналарни отасига ҳад’я қилиб, севинтирди. Май мажлиси ясадилар ва „Жамшид жоми“дан май ичиб, „Ойнаи

жаҳон“да дун’ё ажайиботларини тамошо қилдилар. Бундан сўнг „Ойнаи жаҳон“ ёрдами блан Юнон тоғларининг бирида — ғорда ётган Суқрот ҳакимни топиш ва у блан учрашиш учун қўзғолдилар.

Фарҳод тоғ ошучи отини илгари қурди. Хоқон блан вазир унинг орқасидан эргашдилар. Жуда кўп юрганларидан сўнг, охири Суқрот ҳаким хилватхонаси бўлган бир тоғ этагига бориб етдилар. Бу тоғнинг боши кўкка етар, чўққисида мангу қорлар уюми ётар эди. Бу тоғ шунча улуғ эдики, баландлиги тўққиз осмонча бўлиб, катталиги икки жаҳонча бор эди. Унинг атрофида айланма-буралма ҳадсиз йўллар бўлиб, ғорларнинг сони-саноғи йўқ эди. Агар порлоқ тулун ой ўрмон блан қопланган бу тоғ бағирларига, ундаги ғорларга бир назар солса, қоронғиликда куйған патирдек бўлиб қоларди. Бу тоғда юзлаб қонхўр дар’ёлар оқади, ўрмонлар ичиди эса, юз минглаб қон тўкучи аждарлар яшайди. Хоқон блан вазир бу аҳволни кўриб ҳайрон бўлдилар ва бу тоққа кадам қўйишдан ожиз қолдилар. Шунда Фарҳод бу тоғ йўлиниң илҳомчиси бўлиб чиқди ва „Ойнаи жаҳон“ни келтиришни буюрди, ойнани келтирдилар, Фарҳод унга қаради. Бу ойнада дун’ёниң ҳаммаси равшан акс этиб турар эди. Фарҳад бутун мамлакатларни бирин-сирин текшириб чиқиб, Юнон ўлкасини ойнадан топди. Ундан кейин ўzlари турган тоғни ва бу тоғда Суқрот яшаётган ғорни ҳам топди. Ойнани қўлида ушлаб илгарига ҳаракат қилди, бошқалар унга эргашдилар. Ойна кўрсатишича юриб, охири бир узун йўлниң охирда тўхтадилар. Бу йўл тўғри Суқрот ғорининг оғзига элтди. Шаҳзода, хоқон ҳам унинг вазири блан ғор оғзига бориш блан ичкаридан бир овоз чиқди. Булар кирдилар. Ғорнинг тўрида юзидан нур ёғилиб, бутун ғорни ёритиб турган бир кекса одам ўлтирас эди. Бу чол Суқрот ҳаким эди. Хоқон ва шаҳзода унинг олдида тиз чўкиб салом қилдилар. Суқрот ҳаким йўл маъшакатларидан, аждар, Аҳраман, тилсим, қўрғон воқиаларидан, топилган хазиналардан сўради. Охирги манзилга этиб келиш учун йўлда жуда кўп хатарлардан

үтганларини айтиб, уларга хушхабар етказабошлади. Хоннинг узоқ умр кўришини, кўп мамлакатларни олиб, яна ҳукмронлик қилишини айтиб, бир муҳра топшириди ва „бу муҳра қарилекни ёшлик блан, кассалликни соғлик блан алмаштиради“, деб муҳранинг хосиятларини баёни қилди. Вазир Мулкорога ҳам шунингдек хуш хабарларни айтиб, унга ҳам муҳра топшириди. Уларни шундай хушвақт қилгач, кетишга жавоб берди ва шаҳзода блан ёлғиз қолиб сирлашабошлади.

Суқрот ҳаким Фарҳодга қараб шу сўзларни айтди:

— Эй вужуди қайғу-алам бўлган, манглайига севги ёзилган йигит! Хуш келибсан, сафо келибсан! Бу келиш блан қоронғи уйимни ёрутдинг. Минг йилдан буён бу тоғлар орасида қадамиигга интизорлик тортаман. Энди сени топдим, юзингни кўрдим, тангрига шукурлар бўлсин! Мен энди туганмак билмаган нариги дун'ёга кетиш наидаман, вақт қисқа, сўзларимни яхши уқиб ол!

Шундан сўнг Суқрот ҳаким Фарҳоднинг муҳаббат эгаси эканици, умрбод бир ишқ ўтида ёнишини айтди. Бу ишқ ҳақиқий ишқ бўлиб, киши шахсиятини покловчи, киши руҳини ғайратлантиручи бир ишқ эканини уқтириди ва сўзининг охирида Фарҳод ишқ водисининг қаҳрамони бўлиб абадий ном қолдиришини билдириди:

— Битмас, туганмас бир ўлкада қаҳрамон бўласан! Отангдай кэз минг хоқонлар, қайсарлар жаҳон ёдидан кўтарилади. Жаҳон ичидаги эса сенинг сифатларинг ва севги йўлида яхши отинг абадий қолади!..

Суқрот ҳаким Фарҳод блан ва бу дун'ё блан хайрлашар экан, унга шу васиятни қилди:

— Бор, хоқон хазинасидаги ойнага яна бир қара. Энди унинг сирридан воқиф бўласан. Сан Искандар тилсими бўлган қал'ани забт этганингда у ойнанинг тилсимоти ҳам сенга очилган эди. Ойна — кўнглингда муҳаббат ўтини ёкиб, сени мушкилотларга судровчи ва ишларингнинг ипига тугун солучидир.

Суқрот ҳаким жон берди. Фарҳод ва хоқон уни иззат-икром блан кўмиб, ўз юртлари Хитойга қайтдилар.

Хитойга келгач, Фарҳоднинг биринчи иши хазинага кириб сандиқ ичидаги ойнани кўриш бўлди.

Ойнада Фарҳодга қаттиқ баҳайбат тошлар ва тепаликлар блан қопланган бир дашт кўринди. Бу даштда бир тўда одамлар азоб-уқубат блан тошларни йўниб, ариқ қазимоқ блан машғуллар. Булар ичидаги келишган ва бақувват ёш бир йигит осонлик блан ариқ қазимоқда. Фарҳод дикқат блан қараб бу йигитнинг худди ўзи эканини билди. Таажжуб ичидаги манзарарага қараб турган эди, бир тарафдан чанг пайдо бўлди. Чанг орасидан отларга минган бир тўда гўзал, хушпичим қизлар чиқиб, тез орада одамлар олдига етиб келдилар. Ариқ қазучиларни тамошо қилиб, уларнинг ҳол-аҳволларини сўрадилар. Булар орасида ҳусн-жамолда, назокат ва ишвада ягонайи даврон бўлган бир қиз Фарҳодга ўхшаган ҳалиги йигит қаршисига келиб, ундан ҳол-аҳвол сўради. Шу пайтда шамол қўзғалиб, қиз юзидағи пардани кўтарди. Ойнадаги бу манзараларни кўзатиб бораётган Фарҳод қизнинг ҳуснига кўзи тушиши блан юраги ўйнаб кўзитинди ва ҳушидан кетиб йиқилди. Бу паричеҳра қиз — Ширина эди.

Хазинада ҳозир бўлганлар Фарҳоднинг бу ҳолига ҳайрон бўлдилар. Бирнеча вақт ўтгач, Фарҳод ҳушига келди ва ойнадаги гўзални яна бир кўриш орзусида қолди. Лекин ойнада кўринган Ширина ҳалиги манзаралар энди кўринмас эди.

Фарҳод кундан-кун Ширина ишқида беором бўлабошлиди. Ранги сарғайиб, аҳволи оғирлашабошлиди. Хоқон бунга қандай чора қилишни билмай, Фарҳоднинг ғамуғуссаларини ёзиш ва кўнглини очиш ниятида уни дengiz саёҳатига олиб чиқди. Фарҳод ва хоқон дengизда эканларида даҳшатли бўрон қўзғалиб, тўлқин бошланди. Кемалар йўлдан адашди, ҳамма бир-биридан жудо бўлди. Фарҳод кемаси тўлқинда парчаланди. Бир парча тахта устида қолган Фарҳод ҳушидан кетиб, телба дengиз тўлқини ихтиёрида тўлғониб кетаберди. Бўрон битиб, тўлқин босилгандан кейин, бир савдогарлар кемаси Фар-

ходга дуч келди. Савдогарлар Фарҳодни кемага олиб, дори-дармон қилиб, ҳушига келтирдилар ва парвариш қилдилар, сўнгра ундан ҳол-аҳвол сўрадилар.

Фарҳод савдогарлар кемасида саёҳатни давом этди-ришга мажбур бўлди. Бир кун савдогарлар кемаси қароқчиларга дуч келди. Кема халқи ўртасида ғалаён ва дод-фар'ёд кўтарилиди. Фарҳод бу ғалва ва қўрқувнинг сабабини сўради. Савдогарлар, денгиз қароқчилари кема халқини тутиб, бутун молу-мулкини талашларини, ё бўлмаса қора мойдан қилинган бир нав' бомбаларини отиб кемани ёндириш ва ботиришларини айтадилар. Фарҳод савдогарларни юспатди ва улардан ўқ блан ёй беришларини сўради.

Қароқчилар яқин келиб, қора мой бомбанинг пилтасига ўт қўйиб отар пайтларида Фарҳод мерганлик блан ўқ узди ва бомбани отилмасданоқ парча-парча қилди. Бомба пилтасидан чочилган олов қора мойга туташди ва ўт кетди. Шундай қилиб қора мой бомбалардан савдогарлар кемаси эмас, қароқчиларнинг ўз кемалари ёниб кетди. Савдогарлар Фарҳоднинг бу ботирлигига ва мерганлигига оғаринлар айтиб, миннатдорлик билдиридилар ва уларни қароқчилардан сақлаб қолгани учун Фарҳодга кемадаги тамоми молу-дун'ёларини бағишлидилар. Фарҳод ҳад'яларни камтаринлик блан ўзларига қайтарди ва улар блан дўстлашиб саёҳатни давом эттириди.

Савдогарлар ичида Шопур деган доно бир киши бор эди. Ў кўп саёҳатлар қилган, яхши-ёмонни кўрган, аччиғчучукни тотган одам эди. Фарҳод табиатидаги улуғворлик, самимийлик, камтаринлик каби ҳислатлар Шопурнинг диққатини тездан ўзига тортган эди. Бу киши Фарҳодга ўзини яқин тутиб, у блан яхши алоқада бўлар ва турли бобларда суҳбат қилиб турар эди. Шундай суҳбатларнинг бирида Шопур Фарҳоднинг ҳақиқий аҳволидан хабардор бўлди. У ойнада кўрган дашт Арман мамлакатида экани, гўзал қиз Арман маликаси Ширин экани Шопурга малум эди. Фарҳоднинг Ширинга ошиқ бўлиб қолганини билган Шопур, Фарҳодга хизмат қилмоқчи, унинг муҳаббати

Йўлида чинакам дўстлик садоқати блан ёрдам бермоққа тайёрлигини сўзлади. Фарҳод ҳам Шопурдаги бу самимиятни синаб кўргандан кейин, унинг хизматини қабул қилди ва Арман юртига отланди.

Фарҳод блан Шопур Арман юртига бордилар. У ерни бир-икки кун тамошо қилгандан сўнг, ойнада кўринган дашт томон йўл олдилар. Бу ерда бир тўда кишилар оғир меҳнат блан тошини йўчиб ариқ қазиш блан машғул эдилар. Фарҳод ҳаёлида даф'атан ойнадаги кўринишлар жилваланди. Фарҳод бундай қаттиқ меҳнатнинг сабабини тош йўнучилардан сўради. Улардан бири: „Бу мамлакат Арман мамлакатидир. Подшоси кўп мамлакатлардан хирож олучи Мехинбонудир. Унинг ҳуснда тенги йўқ бир ҳамшираси бор. Ана шу гўзал қиз бу тогнинг бошига бир иморат солдирмоқчи бўлган. Броқ, у ерда ҳеч сув йўқ. Шу тоққа сув чиқариш учун тошларни қазийбошлиганимизга анча вақт бўлган эса-да, кўрганинг озгина ерни қазидик, холос. Агар юз йил умр кўрсак ҳам бу ариқни қазиб тамомлаш қийинга ўхшайди“, деб жавоб берди.

Фарҳод тош устаси Қорундан ўрганган ҳунарни ишга солиб, бу оғир меҳнат остида эзилганларга ёрдам қилмоқчи бўлди. У шундай ўйлади:

Ҳунарни сақлабон неткумдур охир,
Олиб тупроққаму кеткумдур охир?!

Ҳунар ўрганишдан мақсад — уни ўзи блан тупроққа олиб кетиш эмас, балки бу дун'ёда ундан фойдаланиш, уни ишга солиш деб билар эди.

Фарҳод Қорундан ўрганган усул блан ишга тушиб, тоғ қазучилар блан бир қаторда меҳнат қилабошлади. Фарҳод бошқаларнинг ойлаб қилабилмаган ишларини бир кунда бажаар әди. Тош кесишда у кўрсатган ҳунарлар тез орада шуҳрат қозонди, ҳаттоки бу хабар Мехинбонуга ҳам бориб етди. Мехинбону ва унинг ҳамшираси Ширин фаришта сифат гўзал йигитнинг тош кесишда ақлга сиғмас иш қилганини эшитиб ҳайрон бўлдилар,

„биз буюрмасак ҳам, хизматимизда бўлиб, бундай қаҳрамонлик кўрсатаётган ким экан“, дедилар. Ширин донри кетган бу тош йўнучини иш устида бориб кўрмоқчи бўлди. Мехинбону ва Ширин бошлиқ сарой одамлари ариқ қазилаётган жойга келдилар. Улар Фарҳоднинг ҳунарини, тешаси блан тошларни мўмдек ўяётганини кўриб, унинг саи'атига таҳсин билдирилар ва хизмати учун оварилар ўқидилар.

Саройга хос дабдаба блан келиб, хизматимни тақдирлаб турганлар ким экан, деб Фарҳод қараб турган эди, бирдан шамол эсиб, Мехинбону ёнида турган қизнинг юзидан ниқобини кўтарди. Бу қиз Ширин эди. Фарҳод шунда Ширин жамолини биринчи мартаба кўрди ва Искандар тилсими бўлган ойнада кўрган гўзал шу эканини англади. Фарҳоднинг кўзи Ширин ҳуснига тушиши блан аҳволи ўзгарди-да „Оҳ!“ деганича беҳуш ерга йиқилди.

Шириннинг ҳам бутун вужудини Фарҳод ишқи үраб олган эди. Фарҳоднинг гўзал, келишган қомати, меҳнатдаги қаҳрамонлиги, эпчиллиги, камтаришлик ва улуғорлиги киши диққатини ўзига тортмай қўймас эди. Фарҳод ишқи Ширин кўнглида, Ширин гўзаллиги Фарҳод ҳаёлида.

Бирнеча вақт ўтди. Ариқ ҳам тамом бўлди, Фарҳод тоғ тёпасига катта ҳовуз ясаш ва ҳашаматли сарой қуриш ишига киришди. Ҳовузни ва иморатни ёшлигида ўрганганин усул блан ишлаб, гўзал нақшлар, турли расмлар блан безади. Фарҳоднинг нақш ўйишдаги ҳунарини, Шопур иморат деворларига гўзал расмлар чизиш блан тўлдирди, бойитди. Фарҳод иморатни ҳам битириб, ариққа сув қўйиш тўғрисида хабар тарқатди. Ҳамма ёқдан одамлар йиғилди, далаю-дашт ҳалқ блан тўлди. Олдинда Фарҳод, унинг ёнида Шопур, ундан кейин Мехинбону, Ширин ва сарой аҳллари, ҳалқ ариқ бошига қараб юрдилар. Шунча ўнда раҳбарлик қилган, қовжироқ даштни сув блан суғориб, ажойиб олий иморатлар, кўшклар бино қилган Фарҳод устидан Мехинбону тиллалар сочиб борар эди. Ҳалқ ариқ бошига ётиш блан, Фарҳод тўғонни очиб ариққа сув қўйди. Сув, тегирмон новида югургандек,

тез оқиб кетди. Ҳавони қувонч садолари тўлдирди. Ҳалқ сув кетидан тоғ бошига, ҳовуз лабига қараб югурди. Мехинбону блан Ширин ҳам сувнинг ҳаёт ҳовузига тушишини тамошо қилиш учун отларининг бошини у томонга сурдилар. Фарҳод блан Шопур улар кетидан эргашди. Йўлда Шириннинг оти ботқоққа ботиб юралмай қолди. Шунда Фарҳод тез етиб бориб, Ширинни от блан кўтариб елкасига олди ва ботқоқдан ўтказиб ерга қўйди. Фарҳоддаги бу куч, қудратни кўрган ҳалқ оғаринлар ўқиди. Бутун ҳалқ қаср олдидағи ҳовуз лабига етиб борди. Ҳаёт суви ҳовузга қўйилабошлиди ва балки тўлиб дашт устида ёйилакетди. Шу тантанага йигилган одамлар Фарҳод қазиган ариққа „Тириклик наҳри“ деб, кўмкўк улуғ ҳовузга эса „Қутилиш деңгизи“ деб ном қўйдилар.

Мехинбону Фарҳоднинг Ширинни яхши кўрганини ва Ширинда ҳам Фарҳодга муҳаббат туғилганини билар эди, шунинг учун уларни кўриштириш мақсадида саройда Фарҳодга бағишиланган зиёфат мажлиси қурди. Бу мажлисда Ширин Фарҳодга ўз қўли блан май тутди. Фарҳод май бўйи блан маст бўлиб, Ширин сухбатида кўнглини очди. Бундай зиёфатлар Мехинбону саройида биринча марталаб бўлиб, ҳарбирида икки сўйишган ёнг кўнгил армонларини бир-бирларига айтиб яйрашдилар.

Шириннинг гўзаллиги тўғрисидаги овозалар бутун ўлкаларга ёйилган эди. Бу овоза Эрон подшоси Хисравнинг ҳам қулогига ётишди. У ҳам Ширин муҳаббати блан қайнаб, унга харидор бўлди ва совчи юборди. Совчи учун жавоб сўраган Мехинбонуга Ширин шундай деди:

— Подшоҳлик блан ишқ-муҳаббатнинг алоқаси йўқ. Мен Фарҳодни севаман, Фарҳод мени севади. Мени ўз ихтиёrimга қўйинг.

Бу жавобни олган Хисрав бирмунча таҳдид ва дўқлар блан иккинчи марта совчи юборди. Бунга ҳам шу тарзда жавоб берилди. Аччиғланган ва нафси шикастланган Хисрав, Арманистонга юриш қилди ва Ширинни зўрлик блан ўзиники қилмоқчи бўлди. Мехинбону шаҳар мудофаасига киришди. Хисрав етиб келмасдан бурун Мехинбону озиқ-

овқатларни ғамлаб олди ва керакли чораларни күрди. Шаҳар қамал қилинди. Хисрав блан Меҳинбону қўшини ўртасида уруш бошланди. Бу урушда Фарҳод ўз ёри—Ширин томонида; унинг юртини, ҳуқуқини ва номусини мудофаа қилишга киришди. Фарҳод шаҳарга келаберишдаги бир төғ тепасига ўринлашиб олган эди. Шу тогдан туриб Хисрав қўшинига — пастга қараб тошлар иргита бошлади. Фарҳоднинг бундай қулай жойда мустаҳкам туриб олганини кўрган Хисрав унга қарши йигирмата полвоини юборди ва тирик тутиб келишини буюрди. Фарҳод атрофига келган бу полвоинларни кўриб уларга хитоб блан: „Мұхабbat ўтида куйган, ишқ даштида ма-шаққат тошини бошига ёғдирган киши мен бўламан. Менга яқин келманглар, бегуноҳ ҳалок бўласанлар”, дейди ва катта тошларни олиб, төғ тепасидан уларга қараб отабошлади. Тош зарбидан ба’зилари парча-парча бўлди, ба’зилари қочиб қутилди. Хисрав газаб ўтида ёниб, яна шаҳарга ҳужум қилишга буюрди. Фарҳод яна шиддатлироқ куч блан, яна қаттиқроқ ғазаб блан тош отиб, биронта аскарни шаҳар томонга ўтказмади. Хисрав ҳайрон бўлди. Вазирларини, яқинларини чақириб бу ишга чора сўради. Ҳечким бир чора топиб берабилмади. Одамлар ўртасидан бир ҳийлагар чиқиб, бу ишнинг чораси ҳйла ва найранг эканини тушунтириди ва Фарҳодни тутиб келишини ўз устига олди. У, Фарҳодга тогда беҳуш дори ҳидлатиб, қўл-оёқларини боғлаган ҳолда Хисрав олдига олиб келди. Хисрав қароргоҳига боғлаб келтирилган Фарҳодга дори ҳидлатиб ҳушига келтирдилар. Оёқ-қўллари кишанланган ва ночор ерда ётган бечора Фарҳодни Хисрав сўроққа тутди. Фарҳод ҳеч қўрқмасдан, дадиллик блан Хисравнинг қўрқоқлигини, фиребгарлик блан иш кўришини, золимлигини юзига солиб жавоб қайтарди. Фарҳоднинг бу кескин ва ҳаққоний жавоблари Хисравнинг ғазабини яна оловлантириди. Хисрав Фарҳодни дорга осиб, тош бўрон қилишга ва ундан кейин ўтга ёқиб, кулини кўкка совуришга буюрди. Фарҳод Хисравнинг буйруғини эшитиб хурсанд бўлади ва дейди:

— Ҳаққоният йўлида ўлиш мен учун шараф. Чунки шунча қўшининг блан менга кучинг етмай, макр ва ҳийла блан беҳуш қилиб қўл-оёғимни боғлаб, ғазаб блан ўлимга ҳукм қилганингни халқ жуда яхши билади. Бутун гуноҳи бир қизни яхши кўришдан иборат бўлган бир йигита шундай жазо берганинг учун, халқ сени ҳамиша қарғайди. Агар ҳозир мен озод бўлсам эди, сенек подшога ботирлик ва мардликнинг нима эканини бироз ўргатиб қўяр эдим. Майли, ўлдир! Мардлик блан ўлиш—номардлик блан яшашдан шарафли!

Фарҳодни жаллодлар дор тагига олиб борган бўлсалар ҳам, вазирларнинг ўртага тушиши ва банди бўлиб тушган кишини бегуноҳ ўлдиришлиқ халқ ўртасида гап-сўз бўлади, деб та'кидлаши орқасида уни тоғ-тошлар орасида бир қўрғонга қамадилар. У шу қўрғонда ёри висоли куйида фифон қилиб ётди. Фарҳоднинг бундай оғир кунларга тушганидан Шопур хабардор эди. Дўстлик садоқати шундай вақтларда киши кунига ярамаса, қандай вақтда ярайди, деб Фарҳоднинг ҳолидан хабар олиш ва унинг кулфатларини енгиллатиш учун ҳаракат қилди. Шопур Шириндан хушхабар келтирас, Фарҳоднинг нолаю-фифонлариши, дарду-аламларини изҳор қилучи хатларни Ширинга еткизар эди. Хисравнинг қонли панжасидан уни озод қилишга қуввати етмаса ҳам, унинг дарду-аламларини енгиллатиб, юпатиб турар эди.

Хисрав Фарҳод каби бир шахснинг Ширин учун қанчалик қимматли эканини, Арман мамлакати ҳимояси учун Фарҳод деган номнинг ўзи катта куч эканини жуда яхши сезар, шунинг учун Фарҳодни тезроқ ўртадан кўтаришга ҳаракат қиласи ҳолди. Лекин тоғларда ёр куйида куйлаб юрган бир ошиқни бегуноҳ ўлдириш унга қийин бўлгани учун яна ҳийла қиличини, фиребгарлик тифини ишга солмоқчи бўлди. Шу мақсадда Ёсуман деган бир шум кампирни топди. Унга молу-дун'ё ва'да қилиб ишга солди. Кампир қора кийим кийди. Бошига қора рўмол ўради. Қўлига ҳасса олиб, Фарҳод яшайдиган тоққа қараб йўл солди. Тоққа чиқиб, киши билмас бир ҳолда Фарҳод ёни-

га суқилди. Фарҳод ундан: „Эй кампир, бу ерда нима қилиб юрибсан?“ деб сўради. Шунда шум кампир тил ёғламалик блан шундай деди:

— Мен тарки дун'ё қилган бир кампирман. Ишим тоат-ибодат. Хисрав деган бир золим юртимизни қамал қилиб жуда танг қилди. Ҳечким чин кўнглидан тоат-ибодат қилолмай қолди. Ҳамма ҳар тарафга кетди. У, менинг ҳам тинчлигимни бузди. Одам қадами етмайдиган ерга бориб, ибодат қилиб ётай, деб бу тоққа келиб эдим. Бу ерда сизни кўрдим. Бу одам ҳам менга ўхшаш тарки дун'ё қилган одам кўринади, деб ёнингизга келдим.

Шаҳар аҳволидан хабардор бўлиш учун Фарҳод:

— Хисрав шаҳарни олдими?—деб сўради.

Худди шундай бирор саволни. кутиб турган кампир, жаврай кетди:

— Шаҳар тала-тўп бўлди. Мехибону начор Хисрав блан иноқлашди. Мехибонунииг Ширин номли синглиси бор экан, уни Хисравга никоҳ қилиб берипти. Хисрав Ширинни ўз ўрдасига олиб кетипти. Ширинни Фарҳод номли бир ошиқи бор экан. Ундан айрилиб, Хисрав сингари золимга гирифтор бўлгунча ўлганим яхшироқ, деб ўзини ханжар блан ўлдирипти. Бечора қиз то ўлгунича Фарҳод деган номни оғзидан қўймапти. Шундай ҳам содиқ ошиқ бўлэр экан!—деб кампир фар'ёд-фиғон кўтарди. Бу сўзларни эшитиб ортиқ даражада ҳаяжонланган Фарҳод ўзини тутиб туралмади ва йиғлаб, фар'ёд қила бошлади. Унга умринг, дун'ёнинг қиймати қолмади. Алам блан бағри әзилган Фарҳод, ўзини тошларга урди ва шу ерда жон берди.

Фарҳоднинг ўлими тўғрисидаги хабар тезда тарқалди. Неча вақтлардан бери қамалда ётган, мана энди қаҳрамон мудофаачиси Фарҳоддан ҳам ажralган шаҳар таслим бўлди. Арман мулки ва гўзал ширин Хисравники бўлди. Уз меҳрибонидан ва жони каби ширин ёридан айрилган Ширин дун'ёдан безди ва бундан кейинги ма'носиз умрдан кечиб, Фарҳод жасади устида жон берди.

Буюк Навоий Фарҳод сиймосини зўр муҳаббат блан тасвир қилган эди. Фарҳоддаги табиат, инсоний хислатлар, кишиларга муносабат, пок севги алангасида, қайнаши каби фазилатлар уни бутун бошқа кишилардан ажратиб турди. Навоий Фарҳодни ўща жамият кишиларининг энг асили ва энг қимматлиси—гавҳари сифатида тасвир қиласди. Хисравлар, Ёсуманлар каби ҳийлагар ва фисқу-фасодчилар қўлида ҳалок бўлган буюк Фарҳод сиймоси ҳакида Навоий ўз достонининг охирида шундай дейди:

„Гавҳарнинг энг асили ёқутдир. Броқ замон унинг бағрини тешиб қон қиласди; қуёшдан борлик нур олади, аммо кеча уни ҳам тупроққа кўмади“. Бу сатрларда буюк Навоий Фарҳоднинг ёқут каби бағри қон бўлганини, нур сочучи бир қуёш бўлиб тупроқларга ботганини айтиб, Фарҳод тақдиди учун қайғиради.

Лекин Навоий Фарҳод каби қаҳрамонлар, соф юракли олижаноб одамларнинг ҳалоқ бўлишидан умидсизланмади. У ўз достонининг охирида бутун воқиалар яхшилик блан тугаганини, Фарҳоднинг укаси Баҳром Хитойдан келиб золимлардан ўч олганини, мамлакатда тартиб ўрнатиб, Арманистонгаadolатли ҳукмдор белгилаганини, у қазиган ариқда сув лимма-лим оқиб, даشتларни сероб қилганини ва турмуш баҳт ва қувончдан иборат бўлганини айтади.

Турмушни севган, бошқа одамларнинг баҳтли яшашларини орзу қилган Навоий ўз достонини шундай баҳтли хотима блан тугатди.
